



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
MILLIY KИТОБ PALATASI

Majburiy
bepul nusxa

Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 27 октябрь, № 208 (5123)

Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 октябрь куни Оқсаройда Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атияни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари меконимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон ва Қатар Давлати икки томонлама муносабатлари ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини таъкидлади.

— Аввалдан сиз, ҳурматли меконимизни Ўзбекистон замида кутлашдан, сиз орқали Қатар Амири Зоти Олийларига ўзининг чучук эҳтиромини ҳамда Қатар Давлатига ташриф буюришни тақдирлагани учун самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан мамнунман. Мамлакатнинг табиий бойликлари ва ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шубҳасиз, давлат ва ҳукумат раҳбарларининг асосий вазифаларидандир. Табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодийни модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш юксак самаралар беришини Қатар Давлати мисолида кўриш мумкин. Бу ҳар жиҳатдан эътиборга

сазовордир, — деди Ислам Каримов. Уз навбатида, Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атия самимий қабул учун Ислам Каримовга миннатдорлик билдириб, ўз мамлакат барча соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

— Қатар Давлати Амири Зоти Олийлари Ўзбекистон билан алоқаларни мустақамлашга алоҳида эътибор беради. Биз Сизнинг мамлакатимизга бўлажак ташрифингиз ҳар томонлама самарали бўлишига ишонамиз. Тошкентга келишдан аввал Сизнинг китобларингиздан бирини катта қизиқиш билан ўқиб чиқиш шарафига мурасар бўлдим. Унда Сиз суверен давлат қуришнинг кўплаб муҳим жиҳатларини беш бош тамойил асосида атрофлича кўрсатиб бергансиз. Шу билан Сиз, Президент Жаноби Олийларининг доно ва

прагматик раҳбар эканлигини таъкидлаш билан бир бор ишонч ҳосил қилдим, — деди меконим.

Қатар Давлати Ўзбекистон билан қарор топаётган муносабатларга устувор аҳамият бериб, мамлакатимиз раҳбариятининг минтақавий ва халқаро миқёсда юритаётган оқилона ва самарали сиёсатини юксак қадрлайди. Ўзбекистон ва Қатарнинг икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши муштарак бўлиб, бу савдо, сармоса, энергетика, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар ва сайёҳликни қамраб олади. Яқинда Қатар пойтахти Доха шаҳрида икки мамлакат ишбилармон доиралари ва тадбиркорларнинг бизнес-форуми ўтказилгани ва унда икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармосавий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олингани бунинг тасдиғидир. Қатарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маъ-

навият — энгилмас куч» китоби араб тилида нашр этилди ва Доха университетиде унинг тақдими бўлди.

Қатарда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган Мовароуннаҳрнинг буюк алломаларига ҳурмат-эътибор катта. Бу омил икки мамлакатнинг гуманитар соҳадаги алоқаларини ривожлантириш учун мустақам замин ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари яқинда Туркменистонга расмий ташрифи асносида Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Уммон — Қатар йўналишидаги Урта Осиё минтақасини Форс кўрфеизи давлатлари билан боғлайдиган транспорт коммуникациялари коридорига оид истиқболли лойиҳани ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бу ташаббус кўплаб мамлакатларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон билан Қатарни бирига яқинлаштирадиган яна бир

муҳим жиҳат бор. Етакчи халқаро молия институтларининг баҳосига кўра, бугун миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошираётган Ўзбекистон ва Қатар иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган мамлакатлар бешлигига кириди. Икки мамлакат ҳам экспортда ҳам ашёнинг улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Катта сармосавий салоҳиятга эга бўлган «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳам қатарлик сармосадорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).
Сарвар ЎРМОНОВ
олган суратлар.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

АНДИЖОН. "Асака давр бутловчи" масъулияти чекланган жамияти дастлаб ўз фаолиятини асақалик автомобилсозларга 3 турдаги бутловчи қисмлар етказиб бериш билан бошлаган эди.
Ҳаётбахш дастурлар рўёби

Ҳозирга келиб бу ерда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган кенг қўламли лойиҳалар туфайли тайёрланаётган эҳтиёт қисмлар тури 20 тага етди.
Айтиш керакки, вилоятда Маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхоналар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 19 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН. Чуст туманидаги "Технолог ГР" масъулияти чекланган жамиятида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 42 тани таъкидлади.
Импортга ҳолат қолмади

Дурадгорлик ва мебелсозлик соҳаси учун металл буюмлар ясашга ихтисослаштирилган корхонада автомобиллар учун бутловчи қисмлар ва ускуналар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бундай савий ҳаракатлар туфайли 93 киши меҳнат қилаётган жамиятда ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баробарга ортди. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида 600 миллион сўмлик халқ истеъмолчи моллари тайёрланди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО. "Макма" масъулияти чекланган жамиятида биноларни пардозлашда кенг қўлланиладиган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
Кредит даромад келтирди

Бунинг учун банкдан олинган 160 миллион сўмлик кредит эвазига хориждан замонавий технология линия олиб келиб, ишга туширилди. Ҳозир 10 киши меҳнат қилаётган корхонада кунига 100 квадрат метр ҳажмдаги сифатли маҳсулотлар тайёрланиб, қурилиш иншоотларига етказиб берилмоқда.
Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Бухоро шаҳридаги шундай тадбиркорлик субъектлари томонидан 3068 та иш ўрни яратилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРХОНДАРЁ. Вилоятда мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш ҳисобига жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 1772 та янги иш ўрни яратилди.
Сурхон ипагининг жилolari

Жумладан, воҳанинг навқирон саноат корхоналаридан бири бўлган «Сурхон-Термиз-Силк» жамоаси мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, шу йилнинг ўтган даврида 2 миллиард 786 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Шу билан бирга, бу ерда атлас, адрас ва ипақ гиламлари тўқиш ҳам кенг йўлга қўйилди. Натижада 20 киши доимий ишга жалб этилди.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАЁ. Вилоятдаги Чолтўқай, Халқобод, Қўёш каби жами 17 та қишлоқ аҳолисининг сув таъминоти тубдан яхшиланди.
Хонадонларга зилот сув

Шу мақсадда 124,3 километр масофага қувур тортилди. Шунингдек, 3 та янги қудуқ қазилиб, мавжуд 12 та қудуқ таъмирдан чиқарилди. Мазкур юмушларга барча манбалар ҳисобидан 4 миллиард 122 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида IV Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини бошлади.

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон саноатчиларининг мазкур анжумани мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлар саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш доирасида ҳамда жорий йил 23 мартда имзоланган "2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, корхоналарни техник ва технология янгиллаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, республикамизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқимиз турмуши янада фаровон бўлишига хизмат қилаётди. Бунда аънанавий тарзда ўтказилиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта.

Негаки, мазкур тадбир саноатчиларнинг йирик анжумани сифатида мамлакатимизда рақобатбардор, экспортбўл маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ички тармоқ ва тармоқлараро алоқаларни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу вазифаларни бажаришда дастуриламал бўлмоқда.
Шуниси эътиборга моликки, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси нафақат мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ёки курсатилган хизматлар билан таништириш, балки уларга ўз фаолиятларини янада ривожлантириш имконини ҳам бермоқда. Жорий йилги тадбир иштирокчилари маҳсулотлари "Ўзэкспомарказ"нинг тўртта павильони ва яна шунча очиқ майдонда намойиш этилаётгани, 715 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи қаторида жаҳоннинг 51 давлатидан хорижий компания ва ташкилотларнинг

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда дастлабки шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимиз шифокорлари билан бир қаторда, Франция, Россия, Италия ва АҚШ давлатларидан ҳам мутахассислар қатнашди.

Анжуманда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги изчил ислохотлар ва уларнинг ижобий самараси алоҳида эътироф этилди. Унда таъкидланганидек, бугунги кунда юртимиз тиббиёти ривожига қаратилган юксак эътибор эл соғлиги муҳофазаси, оналар ҳамда болалар саломатлигини асраш, соғлом ва баркамол авлодни камол топтиришдек эзгу мақсад рўёбига хизмат қилмоқда. Жойларда замонавий шифо маҳкалари бунёд этилиб, уларнинг энг сўнгги русумдаги тиббий шифохона билан таъминланганлиги хасталикка ташхис қўйиш ва даво муолажаларини қўлашда муҳим аҳамият касб этаетир. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга оид ҳуқуқий ҳужжатда мувофиқ, республикада шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини янгилаш, ўзига хос тизими шакллантирилди. Аини пайтда Республика шошилинч тиббий ёрдам ил-

мий маркази ҳамда унинг жойлардаги ҳудудий филиаллари қошида аҳолига маълумки тез тиббий ёрдам кўрсатувчи бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Анжуман

Президентимизнинг 2009 йил 21 майдаги "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори тизимда юзага келган муаммоларни бартараф этиш ва соҳада ҳизмат кўрсатиш сифатини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган вазифаларга мувофиқ, бугунги кунда шошилинч тиббий ёрдам тизимининг транспорт паркинни бойитиш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, марказлаштирилган "03" хизматидан фойдаланиш учун 110 та "Хундай" ру-

сумли, 300 дан ортиқ "Дамас амбуланс" автомашиналари берилганлиги ана шундай эзгу савий-ҳаракатлар сирасидандир.

— Мамлакатимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг ўзига хос модели мавжуд эканлиги ибратлидир, — дейди анжуман иштирокчиси, Франциянинг "He.co stop" компанияси директори, жаноб Рене Жамбон. — Биз эл саломатлигини асраш йўлида эзгу ислохотлар амалга оширилаётган Ўзбекистондек юрт билан ҳамкорлик қилаётганимиздан бениҳоя хурсандимиз. Гап шундаки, компаниямиз ўтган йилдан эътиборан Тошкентда ўз фаолиятини бошлади. Биз корхона ва ташкилотларнинг тиббий пунктларида қўлланиладиган асбоб-ускуналар, шунингдек, табиий ва техноген ҳодисалар юз берганда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган тиббий жиҳозлар ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимиз миқозларга манзур бўлмоқда. Бугунги анжуманда ҳам Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан алоқаларимизни янада мустақамлашдан умидимиз катта.

(Давоми 2-бетда).

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда МОДЕРНИЗАЦИЯ МЕВАСИ

Мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилаётган ислохотлар Жиззах вилоятида ҳам саноатни ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги саноат корхоналари томонидан 263,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани шундан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, бу борда Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда шу йил 23 мартдаги "2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорларининг ижроси, айниқса, қўтилган самарани берапти.

(Давоми 2-бетда).

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

2010 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга ўсди.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилгани туфайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир парламент қўли палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Тошкент автомобиль-йўллар институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

таъминлаш бўйича ҳам муайян шароитлар олиб борилаётди. Бироқ давра суҳбатида қайд этилганидек, бугунги кунда транспорт воситаларини бошқариш билан боғлиқ турли ҳуқуқбузарликлар содир этилаётди. Оқибатда инсонлар ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолаётганини инкор этиб

сонини ортиб бормоқда. Масалан, охириги уч йилда қондубазарликлар йилга ўртача 7 фоиз кўпайган. Тадбир иштирокчилари йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асосий сабаблари тўхтади. Хусусан, транспортдан фойдаланишда бошқа фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этганилиги учун қўлланилаётган жарима миқдорлари ўшбу ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан пастлиги ҳамда ҳайдовчиларнинг транспорт воситасидан фойдаланиш ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятининг сустлиги натижасида бундай кўнгилсизликлар ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбатида депутатлар мавжуд муаммоларни бартараф этиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, автомобиль йўллари ва инфратузилмасини яхшилаш, ҳайдовчиларни ўқитиш тизимини мукамаллаштириш лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Зиёда АШУРОВА.

Навоий вилоятида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазкур вилоятдаги ижроси муҳокама этилди.

Назорат
димларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга етарли даражада эътибор қаратилмаган. Мазкур Қонуннинг 6-моддасида кўп квартиралли уй-

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Маълумки, "Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Қонун 2006 йили янги тахрирда қабул қилинган бўлиб, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ташкилотини алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шаклда белгилайди. Шу билан бирга, кўп квартиралли уйларида жойлашган тураржой ва нотураржой мулкдорлари умумий мол-мулкдан фойдаланиш ҳамда уни биргаликда бошқариш, сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ихтисослашган ширкатларнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Бугунги кунда республикамизда 30708 та кўп квартиралли уй мавжуд бўлиб, шундан 28770 тасига 4979 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатмоқда. Навоий вилоятида эса 1614 та кўп квартиралли уйдан 599 тасига 31 ХУЖМ ширкати томонидан хизматлар кўрсатилади.

мирлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Жумладан, Қизилтепа туманидаги 8 та кўп квартиралли уйларида 215 млн. сўмлик, Кармана тумани Маликработ кўрғонидида 65 та кўп квартиралли уйда 1 млрд. 225 млн. сўмлик, Фарход ва Ширин кўрғонларидаги 29 та уйда 820 млн. сўмлик, Навбахор тумани, Бешароқ маҳалласидаги 7 та уйда 190 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Тадбир иштирокчилари ўшбу Қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратишди. Хусусан, вилоятда 1013 та кўп квартиралли уйнинг асосий қисми хусусийлаштирилганлигига қарама-қарши, уларга "Тураржойлардан фойдаланиш идоралари" (ЖЭК) томонидан хизмат кўрсатилмоқда. Навоий, Зарафшон ва Учқудук шаҳарларида ХУЖМ ширкатлари тизимланган. Шунингдек, вилоятда уй-жой мулкдорлари ширкатлари хо-

баробарида, таннархи 30 фоизгача арзонлаштириш имконини берди. — Махсулотнинг харидоригр бўлишида дизайн ҳам алоҳида аҳамиятга эга, — дейди дизайнер Зебунисо Ниёзова. — Бугунги харидор харид қилаётган буюмининг нафақат сифатига, балки шакли ва безаклигига ҳам эътибор қаратади. Биз фаолиятимизда ана шунга ҳисобга олиб, жозибдор гоғларга таянаётганимиз айни муддао бўлмоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Масалан, Маҳаллийлаштириш дастурига биноан, "Жиззахпластмасса" акциядорлик жамияти, "Иморат АДА" хусусий фирмаси, "Замонавий полимеркувур" ҳамда "Эркин" масъулияти чекланган жамиятлари маҳал-

лий хом ашёдан фойдаланган ҳолда, махсулот ишлаб чиқаришга тўлиқ мослаштирилган бўлса, "Жиззах аккумулятор заводи" ва "Евроазия Карпет" корхоналарида бу йўналишдаги ишлар яқинида етай деб қолди. Пировав-

МОДЕРНИЗАЦИЯ МЕВАСИ

Гилам тўқишга ихтисослаштирилган "Евроазия Карпет" қўшма корхонасига жорий йилда "Асака" банкнинг вилоят бўлимидан олинган 2 миллион 600 минг АҚШ долларлик имтиёзли кредит эвазига Германиядан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилган эди. Бу тадбир, ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватини ошириш

хона модернизация қилиниб, Маҳаллийлаштириш дастури асосида қайта жиҳозланганидан сўнг бу ерда 506,5 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, пешма-пеш харидорларга етказиб берилди. Мутахассислар эндиликда махсулот экспорти борасида изланмоқдалар.

Вилоятда Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган бундай корхоналар бисёр. Мухими, улар ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган махсулотлар билан бойитиш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилаётди.

Улугбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жиззах ва Наманганда жорий йилнинг май ойидан 2013 йил охиригача амалга ошириш кўзда тутилган ишлар ва қўйлаётган натижалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Ўшбу лойиҳа давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга хизмат қиладиган фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш ва электрон ҳукумат тизимини

жорий этиш, коммунал хизматлар ва рекреация ресурсларини бошқариш соҳасида давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини кенгайтиришни кўзда тутди.

Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари тадбир иштирокчилари томонидан атрофлик муҳокама этилиб, бажарилши лозим бўлган вазифалар юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

А. САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Унга амал қилишга ҳар биримиз бирдек масъулмиз.

Эътироф этилганидек, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолати ва автомобиль йўлларининг аҳолини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар 6 та Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2 та Кодексидан ўз ифодасини топган. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳақ-вобгарлик тўғрисидаги кодексидан

ни такомиллаштириш юзасидан 2006, 2007 ва 2008 йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида киритилган янги нормалар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Шунингдек, йўл-патруль хизмати сифатини ошириш мақсадида мавжуд патруль автомобилларини замонавийларига алмаштириш, уларни видеокузатиш қурилмалари ҳамда тезликни ўлчовчи кўчма фоторадар билан

бўлмайд. Ҳуқуқ-тартибот ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг маълумотларига кўра, 2007 — 2009 йиллар ва 2010 йилнинг ўтган даврида ана шундай кўнгилсиз воқеалар оқибатида 41 мингга яқин фуқаро турли даражада тан жароҳати олган. Амалиётда профилактик ва назорат чораларининг сустлиги, ҳайдовчилар тайёрлаш тизимидаги камчиликлар, транспортни бошқариш маданияти билан боғлиқ омиллар сабабли ҳуқуқбузарликлар

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

дейти Қўнғирот сода заводининг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси раҳбари Қурбонбой Сержанов. — Қувонарлиси, ўтган қисқа давр ичида жамоамиз ўз ҳамкорларини топиб улгурди. "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати шулар жумласидандир. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг илк куниданоқ улар билан 2011 йил учун календарлаштирилган сода ва техник туз етказиб бериш бўйича шартномаларга имзо чекдик.

си вакили Лола Миржалолова. — Бунда Президентимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарорларнинг аҳамияти бекиёс. Натижада кўлаб корхоналаримиз модернизация қилинди, янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Хусусан, бугунги кунда мавжуд фармацевтика корхоналарининг 10 таси халқаро сифат кўрсаткичларига эга. Табиийки, шунга яраша экспорт ҳажми ҳам ортиб, бу кўрсаткич жорий йилнинг тўққиз ойида 831,8 минг

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

650 нафардан зиёд вакили қатнашаётгани бунинг яққол далилидир. IV Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида "Ўзпахтасаноат", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекнефтгаз", "Ўзқурилишматериаллари" сингари кўплаб йирик компанияларнинг корхоналари, айниқса, кенг ўрин ажратилган. Масалан, "Ўзкимёсаноат" давлат-акциядорлик компанияси Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Шу боис ўтган йилги тадбирда компания тизимидаги корхоналар томонидан махсулот етказиб бериш бўйича 68 миллиард сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланган. Бу йилги ярмаркада эса компаниянинг ўндан ортиқ корхоналари қатнашмоқда. Улар томонидан тақдим этилаётган махсулотларга қизиқиш катта. Эътиборли-

IV Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ана шундай ишчан руҳда бошланди. Саноат махсулотларининг ўзига хос бозорига айланган ўшбу тадбир доирасида тақдимот маросимлари ва турли семинарлар ташкил этилаётгани, бу кичик бизнес ва йирик корхоналар ўртасидаги саноат кооперациясини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ярмарканинг дастлабки иш кунида Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалик кон-металлургия комбинати, "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбеккумир" очик акциядорлик жамияти, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлургия комбинати ҳамда В. Чақлов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат-акциядорлик жамиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Дилшоҳ УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: ярмаркадан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОВ
олган сурат.



си, бу махсулотларнинг 12 тури Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилган.

— Маълумки, корхонамиз иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, —

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда фармацевтика соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Ўзфармасаноат" давлат-акциядорлик компания-

АҚШ долларини ташкил этди. Умуман, 2010 йилда тасарруфимиздаги корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 150, экспорт ҳажми эса 130 фоизга

Харидор истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларидан яхши хабардор эди. Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ривожланишига эзма равишда мурожаат этди. Бирлашма мутахассислари аризонани қонунчилик доирасида ўрганиб чиқишга, истеъмолчи ҳақ эканлиги равшанлаштиди. Носоз қондиционер худди шу румусдаги янги советкичга алмаштириб берилди. Шу тариқа бир истеъмолчининг поймол бўлган ҳуқуқи тикланди.

Вобқентлик Ҳабиба Амонова ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатини бошдан кечирди. У "Дилкушо" бозори худудида 293-сонли савдо дўконида "Беко" русумли қондиционер сотиб олган. Харидор носоз чекдан маънони алмаштириш ёки пулдан қайтариб олишга ёрдам беришларини сўраб билармага мурожаат қилди. Натижада ишлаб чиқарувчининг айби билан қондиционер техник носоз эканли-

бошқа бир мисол. Олот тумани "Чорбоб" кишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги Ёшотир аҳоли пунктида яшовчи Муҳиба Гадоева беш ой давомида узлуксиз ишламаган телефон учун пул тўлаб келган. Емаган сомсага

3-уйда жойлашган, хусусий тадбиркор Бахтиёр Юсуповга тегишли озиқ-овқат дўконида ўрганиш ўтказилганда, алкоголь махсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда, спиртли ичимликлар со-

ладини ҳам кенг йўлга қўйганмиз. Натижада аҳолининг истеъмолчи сифатида бузилган ҳақ-ҳуқуқини тиклашни сўраб қилаётган мурожаатлари сони бирмунча кўпаймоқда.

Дарҳақиқат, бирлашма раисини маънога истеъмолчилардан тушган мурожаатлар билан танишар экансиз, фуқароларнинг бу борадаги фаолликлари ошганини пайқайсиз. Мурожаатлар мавзуси доираси кенг. Масалан, Гиждувонлик Собир Ўбайдов аризонани ўрганилганда, истеъмолчи ҳақ бўлиб чиқди. Чиндан ҳам унга табиий газ тўловидан 150 минг сўм орттиқ ҳақ ҳисобланган. Масала истеъмолчи фойдасига ҳал бўлди. Ёки

Жараён
тушган эди. Уларнинг 290 таси ижобий ҳал этилди. Истеъмолчилар фойдасига 57 миллион сўмликдан зиёд товар-моддий бойликлар олиб берилди ёки бошқасига алмаштирилди.

Бирлашма мутахассислари ўтган давр мобайнида жойлардан мингдан зиёд мониторинг ҳам ўтказдилар. Чунки, Бухоро шаҳридаги Шарқ-1 мавзеси,

ларидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг турли институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда БМТ Тараққийот дастурининг мазкур лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг икки вилояти —

жорий этиш, коммунал хизматлар ва рекреация ресурсларини бошқариш соҳасида давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини кенгайтиришни кўзда тутди.

Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари тадбир иштирокчилари томонидан атрофлик муҳокама этилиб, бажарилши лозим бўлган вазифалар юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

А. САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Анжуманда шифохонага бўлган босқичдаги шозиинч тиббий ёрдам усуллари, ўшбу йўналишдаги янгиликлар ва замонавий услубларга доир илмий маърузалар тингланди. Хусусан, тадбирда сўзга чиққан мутахассислар шифо масканига етиб боргунга қадар рўй берадиган ноҳуш ҳолатларнинг аксарияти йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқлигини алоҳида қайд этишди. Маърузачилар томонидан йўл ҳодисаси туфайли юз берган кўнгилсизликни бартараф этишда зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган тиббий-ташқил ишлар юзасидан тақлифлар билдирилди.

Шунингдек, кеча пойтахтимизда "Болаларга тиббий ёрдам кўрсатишга замонавий ёндашув" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган педиатр мутахассислар, ёш шифокорлар, олим ва тадқиқотчилар иштирок этди.

— Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган мақсадли дастурлар ўз самарасини бермоқда, — дейди Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари Камола Салихова. — Хусусан, туғиш ёшидаги аёллар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилашга эришилганлиги, неонатология, кардиология соҳаларида ва кўлаб юкумли касалликларни даволашда кўлга киритилаётган ютуқлар бунинг исботидир. Бугунги анжуман ҳам ана шундай ижобий натижалар, тизимдаги янгиликларни жойлардаги мутахассислар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилмоқда. Тадбир доирасида педиатрия йўналишида илмий тадқиқот олиб бораётган ёш олимлар республика кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Голиб ва совриндорларга қимматбаҳо эсдалар соғвалари топширилди.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.



MIKROKREDITBANK

Республикаимиз иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзига хос ўринга эга. Ушбу соҳа, айниқса, кейинги йилларда барқарор ривожланмоқда. Чунки мамлакатимизда айни шу тармоқ вакиллари кўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг бари тадбиркорларнинг фаолияти янада кенгайтишга, пировардида ички ва ташқи бозорнинг сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилишига, аҳоли турмуши фаровонлашувида хизмат қилаётди.

яратаяпти, балки субъектларнинг ривожланишига ҳам хизмат қилаяпти. Хозир филиал миқозларининг 1215 нафари жисмоний шахс, 2168 нафари яқна тартибдаги тадбиркор, 531 таси деҳқон ва фермер хўжаликлари бўлиб, уларнинг барчаси шундай имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланмоқда. Жумладан, филиал томонидан уларга

лион 300 минг сўм, қишлоқ хўжалигига 1 миллиард 865 миллион 700 минг сўм, савдога 1 миллиард 703 миллион 400 минг сўм, қурилишга 702 миллион 300 минг сўм, маиший хизмат ва сервис соҳасига 1 миллиард 963 миллион 100 минг сўм йўналтирилгани ўз самарасини бераёпти. Банк жамоаси, шунингдек, ҳар бир маҳалла ёки қишлоқ фу-

қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони ижроси бўйича салкам 1 миллиард 200 миллион сўм (шундан 316 миллион 700 минг сўми истеъмол, 300 миллион сўми ипотека кредитлари ва 556 миллион 100 минг сўми микрокредитлар) миқдорда маблағлар ажратилгани ҳам эътиборга сазовордир.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги "2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида санатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан, 7 та тадбиркорлик субъектига 212 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди.

Пул муомаласини такомиллаштириш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш масаласи ҳам банк мутахассисларининг эътиборида турибди. Натижада 2010 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, миқозлар учун 190 та савдо терминали ўрнатилиб, улар орқали 10 миллиард 545 миллион сўмлик пул айланмаси таъминланди. Тарқатилган пластик картчалар сони эса олти ярим мингтадан ошди, уларга ўтказилган маблағлар миқдори 4 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб этишда, табиийки, банк томонидан жорий этилган омонатлар муҳим роль ўйнамоқда. Шу боис жамоа ўз ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида қўлга янги, жозибador омонат турларини тақдим этаётди.

Қисқа қилиб айтганда, бугун "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки, хусусан, унинг Наманган вилояти филиали жамоасининг аҳоли талаб-таклифидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилаётгани амалда ўз натижасини кўрсатмоқда. Жойларда ушбу банк билан ҳамкорликда ишлаётган миқозлар фаолияти бунинг тасдиғидир.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ.

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ — МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИҚДА

Бунга «Микрокредитбанк»нинг Наманган вилояти филиали фаолияти яққол мисол бўла олади.

хисобига уларнинг сони ҳам кўпаймоқда.

Маълумки, вилоятимизда устачилик ва ҳунармандчилик азалдан яхши ривожланган. Бугун ҳам ушбу анъанани давом эттиришни истовчилар бисёр. Фақат бунинг учун озгина укув ва сармоя бўлса kiffoя. Шунинг хисобига олиб, банкимиз уларга ўз хизмат ва сармояларини тақдим этмоқда.

Чиндан ҳам, "Микрокредитбанк"нинг сармоялари аҳоли учун катта қўлайлик яратиб, уларни ишбилармонлик ва тадбиркорлик сари ундамоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонига мувофиқ, молия муассасаси эндиликда аҳолига ўз хизматларини бирмунча қўлай ва имтиёзли шартларда тақдим қилаётгани шувонардир. Дейлик, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериладиган имтиёзни микрокредитларнинг энг юқори йиллик фойз ставкаси 3 фойз,

микролизинг хизматларининг йиллик максимал фойз ставкаси 5 фойз, фаолиятни кенгайтириш ва айланма маблағни

жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида жами 7 миллиард 853 миллион 300 минг сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Молия муассасаларида

тўлдириш учун ажратиладиган микрокредитларнинг йиллик максимал ставкаси эса 7 фойз этиб белгилангани, ўз навбатида, тадбиркорларга нафақат қўшимча рағбат ёки имконият

Ушбу маблағларнинг 2 миллиард 285 миллион 400 минг сўми максимал ставкаси эса 7 фойз этиб белгилангани, ўз навбатида, тадбиркорларга нафақат қўшимча рағбат ёки имконият



И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шу ўринда айтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рағбат топишида молия муассасалари ҳам ўз маблағ ва хизматлари билан яқиндан кўмак бермоқда. Бу борада, жумладан, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ҳамда унинг жойлардаги филиаллари томонидан муайян ишлар амалга ошириляпти. Зотан, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига биноан ташкил этилган мазкур молия муассасаси ўтган вақт ичида етарли даражада тажриба тўплаб, миқозларнинг ишончли ҳамкорига айланди.

Хусусан, бугунги кунда Наманган вилоятида "Микрокредитбанк" билан ҳамкорлик қилаётган тадбиркорлик субъектлари кўпчиликини ташкил этади. Жорий йилнинг биринчи сентябрига қадар уларнинг сони 4787 тага етгани шундан далолат беради.

Банк фаолияти бевосита миқозларга боғлиқ, — дейди филиал раҳбари Мирзамагомил Акромшоев. — Яъни аҳолининг банкка бўлган ишончи қанчаллик мустаҳкам бўлса, бизнинг ишимиз ҳам шунчалик самарали бўлади. Шу боис биз бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ҳар бир фуқаронинг муқоабатини пухта ўрганиб, зарур бўлса, ўз тақлиф ва мулоҳазаларимизни тавсия этаёмиз. Натижада биз билан ҳамкорлик қилаётган тадбиркорлар нафақат ишини ўнглаб ёки кенгайтириб олаёпти, балки янгилари

Тадбиркор аёллар кўллаб-қувватланмоқда

Ўз атрофига етти минг нафардан зиёд ишбилармон хотин-қизни бирлаштирган "Тадбиркор аёллар" уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими томонидан туманларда "Бизнесни қандай йўлга қўйиш мумкин?" мавзусида семинар-тренинглр ташкил этилди.

Уларда тўққиз минг нафардан зиёд хотин-қиз қатнашиб, тадбиркорликка

оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашди. Қолаверса, уюшма ҳузу-

рида ташкил этилган тикуччилик, зардўзлик, пазандачилик, қандолатчилик каби

ўқув курсларида уч минг нафардан зиёд киши касб-ҳунар сирларини ўрганиди. Бевосита «уюшма» кўмағида хозиргача 217 нафар тадбиркор аёл "Меҳр нури" жағмарасининг микрокредитларини олиб, ўз фаолиятини кенгайтирди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мақсад — малакали кадрлар тайёрлаш

Анджон вилоятидаги 4 та касб-ҳунар коллежида "Касбий кўникмаларни ривожлантириш" Ўзбекистон — Швейцария лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Кўп босқичли ушбу лойиҳани амалга оширишдан қўланган мақсад ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда касбий кўникмаларни шакллантириш ва замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир.

хунар коллежида 5 та лаборатория ҳамда ўқув хоналари ташкил этилди. Улар 130 миң АҚШ долларилик замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу эса ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун катта имкониятлар яратди.

Хусусан, ушбу лойиҳа доирасида Марҳамат қишлоқ ва сув хўжалиги касб-

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Республика Кўчас мулк биржаси» ЁАЖнинг вилоят филиаллари бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

1. РКМБ Бухоро вилояти филиалининг аукцион савдоларига Бухоро вилояти хўжалик сўдининг 2009 йил 21 декабрдаги 20-0907/13673-сонли ижро варақасига асосан, суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий божмаси томонидан хатланган кўйдаги мулклар тақдоран қўйилмоқда:
 1. «Бухороғўшт» МЧЖга тегишли «ФМСТУ-5132-005-26833022-99» ускунаси. Бошланғич баҳоси — 41 815 200 сўм.
 2. «Бухороғўшт» МЧЖга тегишли «эскимон музқаймоғи ишлаб чиқарадиган ускуна мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 65 229 900 сўм.
 3. «Бухороғўшт» МЧЖга тегишли «ПВЗ-600», «ПРТМУ-1800/с», 2 та компрессор, «К-22»дан иборат ускуналар мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 15 530 200 сўм.
 4. «Бухороғўшт» МЧЖга тегишли «ХРВ-16» ускунаси. Бошланғич баҳоси — 10 525 100 сўм.
 5. «Бухороғўшт» МЧЖга тегишли битта «Сатуратор СТ-200», битта «Этикетировщик ЭТ-600», 2 та «УПК-100», 2 та «ХПА-1-17200»дан иборат ускуналар мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 10 819 400 сўм.
 6. «Бухороғўшт» МЧЖга тегишли, Польша давлатида ишлаб чиқарилган «СЕ-LINE6000-7000» русумли автоматлаштирилган экструзион линия. Бошланғич баҳоси — 406 272 750 сўм.
 7. «Бухороғўшт» МЧЖга тегишли, Польша давлатида ишлаб чиқарилган, соатига 600 литр музқаймоғни мевалар билан бойитиш ускунаси. Бошланғич баҳоси — 17 500 980 сўм.
2. Аукцион савдолари 2010 йил 11 ноябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси 2010 йил 30 ноябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулк 2010 йил 30 ноябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан тақрорий савдо 2010 йил 28 декабрь кuni ўтказилади. Ушбу мулк билан тегишли СИБ вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Анджон вилояти филиалининг «Асака» банки вилоят бўлимидаги қўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО: 00069, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш савдо бир кун қолганда тўхтатилади.

Манзил: Навоий шоҳқўчаси, 30-уй. Телефон: (8-374) 224-48-53.

III. РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг аукцион савдосига тақдоран, Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти сўдининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222-уйда жойлашган, қурилиш майдони 200,98 кв.м. бўлган тўрт қаватли бино ҳамда 22 турдан иборат модуллар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 365 140 290 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 16 ноябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Ушбу мулкни мажмуа 2010 йил 16 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг тақрорий аукцион савдоси 2010 йил 3 ва 21 декабрь кунлари бўлиб ўтади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452123, МФО: 00111, СТИР: 200933850.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй, 210-хона. Телефон: (8-366) 233-80-56.

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 № 000004.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефонлар: (8-365) 223-71-36, 223-71-30.

II. РКМБ Анджон вилояти филиалининг аукцион савдосига Асака шаҳар СИБ томонидан 2010 йил 2 сентябрдаги 517-1011/7741-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Асака шаҳри, Марғиновий (Фарғона) кўчасида жойлашган, «Асака Меркурий» МЧЖга тегишли, бетон плита тўшама, ўрта девор ва дарвозаси билан, фойдаланиш майдони 453,70 кв.м. бўлган, А, А1, А2, А3, А4, А5, А9, В, В1 литерларда бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 135 000 000 сўм.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масул ходим Ҳаким Ҳамидович Ишанова онаси
ИНОЯТХОН аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Инвестиция шарофати

Яккабоғ туманидаги «Кам-Гуз-Нур» масулия-ти чекланган жамиятига қарашли гишт заводига

Интилиш

киритилган 40 миң АҚШ долларлик инвестиция хисобига хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда корхонада бир кеча-кундузда 15 миңг донагача сифатли деворбоп материаллар ишлаб чиқарилиб, туманда бунёд этилаётган мактаб ва коллеж объектларига етказиб берилмоқда.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАЗОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтлари



Т/ф: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, «Ч» дахаси, 6-уй (мулкка — «Шўқрат» дўкони жойлашган чоррақа)

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ульяновск Автомобиль Заводининг Ўзбекистондаги Расмий Дилери

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

Юк ташувчи УАЗ-3303

Юк ва йўловчи ташувчи мажмуа УАЗ-39625

Юк ташувчи УАЗ-3303

Юк ва йўловчи ташувчи мажмуа УАЗ-39625

УАЗ Hunter

УАЗ Patriot Limited

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобиллари УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Кўшимча кабиналар УАЗ-39094

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.

Пойтахтимизда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионати иштирокчилари УАА мухбирига ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб бердилар.

ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

Мундари КАРИЯ, Индонезия ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи:

— Биз мазкур мусобакалардаги илк учрашувни Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказиб, йирик ҳисобда ютқаздик. Мезбонлар жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик бўйича ўз устунлигини намойиш қилди.

Мутахассис сифатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларининг жисмоний кўрсаткичларига алоҳида эътибор бердим. Футболчилар жисмонан бақувват ва руҳан тетик. Бу мамлакатнингизда ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш тўғрисида қўйилганидан далолат. Замонавий футболда спортчиларнинг жисмоний имкониятлари юқорилиги билан бирга уларнинг иродаси, ватанпарварлиги, курашувчанлиги ва бир мақсад йўлида бирлашиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Конор ЧАПМАН, Футболчи (Австралия):

— Тошкент шаҳрининг сўлим табиати, мўътадил иклими, кенг ва озода кўчалари мени ўзга мафтун этди. Австралия иклими йилнинг тўрт фаслида ҳам даярли ўзгармайди. Ўзбекистонда эса ҳар бир фаслнинг ўз гузаллиги ва тароватини ҳис қилиш мумкин. Айниқса, кузда дарахларнинг олтин тусга кириши, меваларнинг мазаси менда бир умрга татигулик унутилмас таассурот қолдирди.

Хэрри ХУАНГ, Хитой ўсмирлар терма жамоаси менежери:

— Ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионати иқтидорли футболчиларни аниқлаш ва уларни катта футболга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси таркибиде истеъдодли ва кучли футболчилар кўп. Бу мамлакатнингизда болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришга берилаётган юксак эътибор самарасидир.

УАА мухбири Байрам АЙТМУРОВОВ ёзиб олди.

МАНГУГА МУҲРЛАНГАН МАТОНАТ



Мустақиллик йилларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Марғилон каби қадимий шаҳарларимизнинг улуг ёшлари халқро миқёсда катта тўй, тантана билан нишонланди. Миллатимиз ва халқимиз тарихий илдиэларининг нақадар чуқур эканлигидан далолат берувчи улкан маданий меросимиз, маънавий қадриятларимиз қайта тикланди.

томонидан бунёд этилган мазкур маҳобатли ҳайкалда юртимизнинг таянчи ва суянчи бўлган, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшаётган меҳнаткаш оила тасвири мужассамлашган. Оила бошлиғи — ота келбадида бор куч-қуввати ва меҳрини оиласи, фарзандларига, эл-юрти-

бутун жаҳонга бу гўзал ҳаётнинг қандай боқий қадриятлар ҳисобидан абадий эканини англаб туради.

Бугунги кунда Қаршининг бош майдонидан узукка кўз қўйгандек ярашиб турган "Эл-юрт таянчи" ёдгорлик мажмуаси қашқадарёликлар ва бу ерга ташриф буюрган меҳмонларнинг муқаддас қадамжоларидан бирига айланган. Монумент пойига гулчамбар кўяр эканмиз, Президентимиз таъкидлаганидек, биз Қашқадарё воҳасининг қадимий тарихига, шу заминда яшаётган буюк мутафаккир ва азиз авлиёлар хотирасига бош эгамиз. Шунинг алоҳида эътирофи эди, ушбу ёдгорликдаги меҳнаткаш оила сиймосида порлаб турган сабот ва матонат ҳамда халқимизнинг эзгу оруз-умидлари, буюк келажакка бўлган қатъий ишонч руҳи майдонга ташриф буюрганларни ўзига мафтун этади.

Эндилкида вилоятга келаятган барча меҳмонлар, хорижлик сайёҳлар, ишбилармон доиралар ва дипломатик корпусларнинг вакиллари, албатта, бу ерга ташриф буюриб, шу юртининг обод этаётган, унинг ёруғ келажакга учун фидокорона меҳнат қилаётган халқимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатадилар. Шу маънода, ушбу монумент қашқадарёликларнинг ҳақли равишда фахри ва ифтихори бўлиб қолмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истиқлол тимсоллари

га бахш этган, қўли қадоқ, бағрикенг, фидойи ва заҳматкаш инсон, она вужудида эса мунис ва меҳрибон ўзбек аёли намён бўлган. Обида пойидаги тегиримон тоши кўп маъноли бўлиб, замонлар алмашинуви, авлодлар бардавонлиги билан бир қаторда ризқ, барака ва фаровонлик рамзини ифодалайди.

Ёдгорлик мажмуасидаги ҳар бир сиймо ва ундаги бадий чизгилар халқимизнинг неча асрлардан буён шаклланиб келган чуқур тарихи, ўзбек оиласининг мардлиги ва матонатидан сўзлайди.

— Мен ишонаман, — деб таъкидлаганди Юртбошимиз "Эл-юрт таянчи" монументининг очилиш маросимидаги нутқида, — орадан йиллар, замонлар, асрлар ўтар, лекин мана шу ҳайкалда акс этган ҳаёт ҳақиқати доимо барқарор сақланиб қолаверадди. У янги-янги авлодларимизга,

Ушбу юбилейлар муносабати билан ҳар бир шаҳарда шу ҳудуд одамларининг ҳаёти ва қадриятларини, меҳнаткаш, танти ва ҳалол халқимизнинг юксак инсоний сифатларини ўзида акс эттирувчи ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Жумладан, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилей муносабати билан ушбу шаҳар марказида қад ростлаган "Эл-юрт таянчи" ёдгорлик мажмуаси бир оила тимсолида воҳада яшаётган юртдошларимизнинг ҳаёт тарзини, азалий қадриятларини, сабот ва матонатини тараннум этувчи юксак санъат асари, оддий ўзбек оиласига қўйилган нодир ҳайкал бўлиб қолди.

Юртбошимизнинг бевосита госяси асосида, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Равшан Миртожиев ва у бошлик ҳайкалтарошлар гуруҳи

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

юртнинг порлоқ келажagini таъминлайди

Бугун соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган эзгу саяё-ҳаракатлар замирида маънан ва жисмонан етук авлодни камолга етказишдек эзгу мақсад мужассам. Зеро, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада устувор аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда мазкур ҳуқуқий ҳужжатда белгиланганидек, жойларда соғлом турмуш тарзи тарғиботини янада кучайтириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи бирламчи тиббий масканлар фаолиятини янада жонлантириш каби изчил чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Республика "Она ва бола" скрининги марказининг Нукус филиалида ҳам тугиш ёшидаги аёллар ва гўдаклар соғлиғи муҳофазаси бўйича ибратли ишлар қилинаптир.



Соғлом она — соғлом бола

— Марказимизда жорий йил бошидан буён қарийб беш мингдан зиёд хомилалар аёллар тиббий куриқдан ўтказилди, — дейди филиал директори Амина Қаландарова. — Куриқ давомида ҳас-талиқ ва туғма нуқсонлар аниқланган ҳолларда, оналар ва чақалоқлар ўз вақтида самарали даволанмоқда. Марказда бунинг учун барча шариоатлар яратилган. Жумладан, рангли "Апогея — 3500" ультратовуш сканери, "Дельфия", "Мультикап" каби замонавий усуналар ёрдамида аниқ ташхис қўйилиб, муолажалар ўтказилаптир. Бундан ташқари, шифо муассасамиз томонидан фенилкетонурия ва туғма гипотериоз касалликлари

туфайли назоратда бўлган бемор болалар зарур дори воситалари билан таъминланмоқда.

Энг муҳими, бугун марказда малакали мутахассислар тажрибасига таянган ҳолда, оналар ва болалар соғлиғига тааллуқли кўплаб муаммоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари ва оилавий поликлиникалар билан олиб борилаётган ҳамкорлик ижобий самара бераётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, чақалоқлардаги туғма нуқсонларни аниқлаш, даволаш, ногиронлик ва

болалар ўлими билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллалар ҳамда ўқув масканларида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар ва кишлоқларда соғлом оилани шакллантиришнинг му-

ҳим омиллари, юқумли касалликлар ҳамда камқонликнинг олдини олиш, гўдакни она сuti билан парвартиш-лашнинг аҳамияти сингари долзарб мавзуда 200 дан зиёд тадбирлар ўтказилди. Бу эса, табиийки, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тиббий маданият даражасини оширишга, мустаҳкам ва фаровон оилалар сони янада ортишига хизмат қилаяпти.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: республика "Она ва бола" скрининги марказининг Нукус филиали ходимлари Юлдуз Айтимбаева ва Лаззат Ҳайитбоева.
Ҳасан ПАЙДОВ
олган сурат.

Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти мусикали драма ва комедия театри репертуари яна бир янги асар билан бойиди.

«ЎЗБЕКЧА РАҚС» САҲНАДА

Театр жамоаси таникли драматург Нурилло Аббосхоннинг "Ўзбекча рақс" деб номланган асарини томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.

Мазкур асарда ўзбек оналари, қайноналарига хос феъл-атвор, оиладаги азалий ўзбекона қадриятлар қизиқарли саҳна кўринишлари орқали очиб берилган.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОҚИЙ САНЪАТ ЖОЗИБАСИ

Хива шаҳрининг қадимий обидалари, минораю гўмбазларидаги нақшлар жилоси неча асрлардан бери кўш нуралига дош бериб, оҳори тўқилмай турганлигининг сабабини биласизми? Машҳур кошникор, наққош ва кулолларимиз яратган ушбу гўзаллик айни пайтда бутун дунё сайёҳларининг эътиборини тортмоқда. Бунинг ўзига хос тарихи бор.

Хоразмда қадимда озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув хум, кўза, дигир, бодиа, тоғора, лаган деб аталган махсус идишларда сақланган. Бундай кулоллик буюмлари аразон хом ашёдан тайёрланганидан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва

сувни узоқ вақт сифатли сақлашда асқотган.

Кулоллар бу идишларни ясаганда ишлатиладиган гил (лой)ларни чўл этаклар ва кўллاردан олиб келганлар. Сўнг гилга турли хил гиёҳ аралашмаси қўшилган. Энг муҳими, маз-

кур тошбезаклар ва бўёқлар ташқи таъсирларга жуда чидамли бўлган. Воҳада кулоллик соҳасида фаолият олиб бориб, баркамол авлодга касбинини

Қадрият

тарғиб қилаётган, унинг сир-синоатларини ўргатаётган қўли гул усталар талайгина. Шундай инсонлардан бири Султонмурод Ёқубовдир.


— Истиқлол бошқа соҳаларда бўлгани сингари,

кулоллик санъати ривожини учун ҳам янги имкониятлар эшигини очди, — дейди С. Ёқубов. — Зеро, бугунги кунда юртимизда барпо қилинаётган муҳташам иморатларда замонавий ҳамда қадимий миллий меъморчилигимиз анъаналари уйғунлашиб, ўзига хос гўзаллик касб этмоқда. Энди кулолликда том учун пишқик ва сифатли шиферлар, тошқувурлар, замонавий идишлар ҳам яшаш мумкин. Бу идишлар металл буюмларга нисбатан экологик тоза ва мустаҳкамдир. Аҳамият-

лиси, кимёвий моддаларни аралаштирмасдан, тоза бўёқлар олишни йўлга қўйиш имкони бор... Дарҳақиқат, бугунги кунда бунёд этилаётган меъморий мажмуаларда қадимий миллий санъатимиз намуналари ўз аксини топмоқда. Урганч шаҳридаги марказий хибён, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорликлари, "Авесто" боғидаги гўмбазларда ва бошқа кўплаб зиёратгоҳ гушаларда кулоллару наққошлар меҳнати маҳсулини кўриш мумкин. Бу миллий кулоллик санъатимизнинг барҳаётлигидан нишонандир.

Болтабой БЕКМАТОВ.

NEW HOLLAND



B 115



TS 6070
130 л.с.

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

TEL.: 120-60-97, 120-74-50.





ОБ-ҲАВО (27 октябрь)

<p>Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик бўлмайдми. Кечаси 3-8 даража иллик, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.</p> <p>Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 5-10 даража иллик, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.</p>	<p>Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 5-10 даража иллик, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.</p> <p>Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайдми. Кечаси 7-12 даража иллик, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.</p>	<p>Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгартиб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 4-9 даража иллик, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.</p> <p>Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 5-7 даража иллик, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.</p> <p>«Ўзгидромет» маълумотлари оёсида тайёрланди.</p>
--	--	---

ЦЕМЕНТ (шп400 кд20) 159,9 ▲ +6,3 ЦЕМЕНТ (шп400 дв0) 151,1 ▲ +2,3 АРМАТУРА 2349,4 ▲ +1029 ШИФЕР (1 лист) 14446 ▼ -363 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 39240 нусхада босилди, ҳажми — 2 табок. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Ташрифта келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Рекламат материаллари учун тахрирт жавоблар эмас.

Газета тахрирт компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Т—Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 22.50

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусахҳах — С. Исломов.

1 2 4 5